

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.27.06.2017.  
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СИДИКОВА МАСТУРА ХАКБЕРДИЕВНА**

**САМАРҚАНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(1991-2017 йй.)**

**07.00.01.- Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АФТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Сидикова Мастура Хакбердиевна**

Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш

хусусиятлари (1991-2017й) ..... 3

**Сидикова Мастура Хакбердиевна**

Особенности развития современной городской культуры Самарканда

(1991-2017гг.) ..... 25

**Sidikova Mastura Hakberdievna**

Features of the development of modern urban culture of Samarkand

(1991-2017)..... 47

**Эълон қилинган ишлар**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.27.06.2017.  
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СИДИКОВА МАСТУРА ХАКБЕРДИЕВНА**

**САМАРҚАНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(1991-2017 йй.)**

**07.00.01.- Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АФТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Таг177 рақами билан рўйхатга олинган.**

**Диссертация Самарқанд давлат университетидеда бажарилган.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий тақризчилар:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Муҳаммад Қосимович**  
архитектура фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1 қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Маврулов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.Ж.Ураков**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**Г.А. Агзамова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги Рим, Париж, Лондон, Токио, Санкт-Петербург, Истанбул каби шаҳарлар жуда қадимдан ушбу мамлакатларнинг бой ўтмиш мероси ва моддий маданиятини яққол намоён этиб келган. Бугунги кунга келиб замонавий шаҳар маданияти унинг ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаси, маданияти, коммуникация, логистика, транспорт тизими, экология, архитектура, туризм ривожига каби кўрсаткичлари билан белгиланади. Бу борада БМТнинг «ХАБИТАТ дастурида замонавий шаҳарларнинг тараққиёт кўрсаткичлари бўйича белгиланган мезонлар» яққол далил бўла олади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда илм-фан ривожланган мамлакатлардаги кўплаб илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлирида<sup>2</sup> замонавий шаҳар маданияти тараққиётининг жуда кўп масалалари, хусусан, шаҳар қурилиши, шаҳарлар классификацияси ва типологияси, аҳоли демографияси, миграция, урбанизация ва агломерация жараёнлари ҳамда шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларнинг замонавий тараққиёти масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар қаторида жаҳондаги кўплаб сайёҳлик ташкилотларининг фаолиятида Ўзбекистон шаҳарлари тизимида алоҳида ўрин эгаллаган Самарқанд шаҳри жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан эътироф этилмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда ва жаҳонда Самарқанд ўтмишига катта эътибор қаратилган бўлса-да, унинг замонавий шаҳар маданияти махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаб беради.

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри тараққиётида янги давр бошланди. 2005 йил 20 октябрда ЮНЕСКОнинг 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Дунё халқлари миллий маданияти ва қўшиқчилик санъатини туташтирувчи чорраҳа сифатида 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўтказиб келиниши унинг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрнини янада кучайтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17-18 март кунларида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, саноат, ишлаб чиқариши ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт ва логистика хизматини такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар шаҳарнинг замонавий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>[www.un.org/ruga/habitat/](http://www.un.org/ruga/habitat/) Уровень жизни городского населения в Узбекистане сквозь призму глобального экономического кризиса. – Т., 2010. – 38 с.

<sup>2</sup> Семенов М.Ю. Проблема исторического исследования феномена городской культуры (теоритические аспекты) / М.Ю. Семенов; БелГУ. Сер. История. Политология. Экономика. Информатика. – 2009. №1. Вып. 9. С.59-65.; <http://www.countries.ru/library/typology/gorculture.htm> Кравченко А.И. Культурология.– М.: Академический проект, 2001.

«Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси» (2002), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-426-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 16 январдаги «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисидаги» ПФ-5181-сон Фармони, 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПФ-5623-сон Фармони ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар Самарқандда замонавий шаҳар маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш» дастурининг устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида шаҳарлар тарихини ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида Самарқанд шаҳри тарихига бағишланган монографиялар, илмий-оммабоп асарлар ва тадқиқотлар, шунингдек, шаҳардаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари ва шаҳар инфратузилмасини ёритишга қаратилган илмий мақолалар чоп этилди. Уларнинг аксариятида шаҳарнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ўрганилган.

Бевосита Самарқанднинг замонавий шаҳар маданияти масалаларига бағишланган тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга тарихчи мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар<sup>3</sup> киради. Буларнинг аксарияти илмий-оммабоп рисоалар, шаҳар юбилейига бағишлаб тайёрланган альбомлар, илмий тўпламлардан иборат бўлиб, уларда шаҳар тарихи ва замонавий кўриниши масалалари ўз аксини топган. Чунончи, Д.А.Алимова, Ю.Ф.Буряков ва Ш.М.Раҳматуллаевларнинг<sup>4</sup> ҳаммуаллифликда ёзилган асарида Самарқанднинг энг қадимдан то 2009 йилгача бўлган даврдаги тарихи илмий-оммабоп тарзда баён этилган. Р.Ҳодизода<sup>5</sup> асарида шаҳар тарихи умумий маълумотлар асосида қисқа ва

---

<sup>3</sup>Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т., 1998.; Курахмедов А., Сидикова М. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри: тараққиёт ва бунёдкорлик. С., 2016. – 97 бет.; Қадим шаҳарларнинг янги жамоли (колл.в.моног.я).– Т.: «Шарқ», 2015. – 234 бет.; Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. – Т.: «Маънавият», 2015. – 400 бет.; Самарқанд – 2750 ёшда. Альбом. – Т., 1997; Маликов А. История Самарканда (с древних времен до середины XIV века). Том I. Т.: «Paradigma», 2017. – 336 бет ва бошқалар.

<sup>4</sup>Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи (қадим даврдан бугунги кунгача).–Т.: «ART FLEX», 2009. – 146 бет.

<sup>5</sup>Ҳодизода Р. Самарқанднома. – Т., 2011. – 427 бет.

бадий тарзда ёритилган. Р.Абриевнинг<sup>6</sup> тадқиқотида эса мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳридаги тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари тадқиқ этилган. ЎзРФА Тарих институтида сўнгги йилларда бажарилган катор тадқиқотларда<sup>7</sup> шаҳар тарихининг турли даврларига оид тарихий маълумотлар ёритилди. Шунингдек, уларда республикада 1991-2017 йиллардаги шаҳар маданиятининг ривожланиш босқичлари, Самарқанднинг республика шаҳарлари тизимида тутган ўрни, аҳоли динамикаси, туризм, агломерация каби масалалар илк бор ўз аксини топди.

Иккинчи гуруҳга иқтисод, демография ва архитектура йўналишида олиб борилган тадқиқотлар<sup>8</sup> киради. Бу тадқиқотлар илмий-оммабоп рисола, китоб ва монографиялардан иборат бўлиб, уларнинг аксариятида шаҳар маданияти тарихи ва тараққиёти қисман ёритилган. Жумладан, Э.Ахмедов Самарқанднинг 1991-2002 йиллардаги иқтисодий ҳолатини ўрганган бўлса, М.Қодиров шаҳардаги демография ва миграция жараёнларини таҳлил этган. М.Ахмедов ва С.Манноевнинг тадқиқотларида эса Самарқанд шаҳри архитектураси ва қурилиш соҳасига оид маълумотлар келтирилган.

Учинчи гуруҳга хорижий муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар<sup>9</sup> киради. Уларнинг аксарияти туризм соҳаси билан боғлиқ

---

<sup>6</sup>Абриев Р. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари (Зарафшон воҳаси мисолида). –Т.: «Фан», 2015.

<sup>7</sup>Хатамова М. Ўзбекистон шаҳарлари VI-VIII асрларда. – Т.: «Yangi nashr», 2017. – 243 бет.; Мамадалиев Х. Ўзбекистон шаҳарлари IX-XII асрларда. Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2017. – 191 бет.; Агзамова Г.А. Ўзбекистон шаҳарлари XVI-XIX аср ўрталарида. – Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2017. – 225 бет.; Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Т.: «Yangi nashr», 2017. – 440 бет.; Шадманова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941). – Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2015. – 333 бет.; Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар). – Т.: «Yangi nashr», 2017. – 250 бет.; Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти. Коллектив монография. (Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д. Зияева.) – Т.: «Yangi nashr», 2017. – 287 бет.

<sup>8</sup>Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.-221 бет.; Солиев А.С. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. –Т., 2002.-8,2 п.л.; Солиев А.С., Кадыров М.А. География населения и населённых пунктов Самаркандской области. Учебное пособие.-С.: СамГУ, 1998. -162 с.; Кадиров М.А, Самарқанд вилояти аҳоли географияси. – С., 2001.-141 бет.; Усманов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтакавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида) –Т., 2003. 7,56.т; Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т., 1995 – 215 бет.; Ахмедов М.К. Пути развития средневековых архитектурных ансамблей Узбекистана. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014 ; Ахмедов М.К. Меъморий мерос: Самарқанднома, Темурнома. – Т.: «Fan va texnologiya», 2011.-129 бет.; Қодиров Т. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начало XXI вв. (традиции и современность). – Т., 2007. -135 бет.; Манноев С. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигида меъморий ансамбль ва комплекслар. – С.: «Zarafshon», 2014.-147 бет.ва бошқалар.

<sup>9</sup>Airey David, Shackley Myra. Tourism development in Uzbekistan// Turism Management, Vol 18, No.4, 1997 й., Samarkand Buchara Von G.A.Pugatchenkowa, MitneunSkizzen, siebenundsechzigsschwarz-weißen und achtzehnfarbigenTafeln, VEB DeutscherVerlag der Wissenschaften Berlin 1975., Reisgids-Oezbekistan-Uzbekistan, 2015, Sophie Lovell-Hoare, Max Lovell-Hoare Uitgever:BradtUzbekistan: The Golden Road to Samarkand (Odyssey) Paperback – 1 Jul 2014 by Bradley Mayhew, Odyssey Publications, Hong Kong; 8th Revised edition edition (1 July 2014)., Tombs of Paradise: The Shah-e Zende in Samarkand and Architectural Ceramics of Central Asia Hardcover – Import, 15 Jul 2012 by Jean Soustiel, Editions d'ArtMonelle (15 July 2012).; Asharani Mathu., Travels in Uzbekistan // India International Centre. Vol.40. № 1 (30 pages); Kerr Michael, Uzbekistan: The Silk Road by rail // <https://www.telegraph.co.uk/rail-journeys/Uzbekistan-The-Silk-Road-by-rail/>; Arnaud Ruffier, Samarcande:identities et espaces festifs en Ouzbekistan. – Paris: «Aux lieux detre», 2007. – 231 p.; «Самара и Самарканд: Наследие и современность в диалоге культур от Волги до Зерафшана» Под редакцией Ионесова В.И. Международная школа культурологических исследований. – С.: «Артефакт-культурное

бўлиб, Самарқанднинг тарихий обидалари ҳамда туризм инфратузилмасидаги электрон маълумотлардан иборат.

Юқорида номлари келтирилган адабиётлар ва тадқиқотлар Самарқанд шаҳри тарихи ва иқтисодиёти, шаҳардаги ижтимоий ва маданий жараёнлар, шунингдек, шаҳарсозлик ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, қайд этиб ўтиш лозимки, Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги (1991-2017 й.) тарихи, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, шаҳар маданияти тараққиёти каби масалалар ҳозирга қадар махсус ва комплекс тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-11896 «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқандда шаҳар маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, замонавий ўзгаришлар, уларга таъсир қилаётган омиллар ва муаммоларни таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Самарқандда шаҳар маданияти ривожининг тарихий босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;

Самарқандда шаҳар тараққиётининг истиқлол арафасидаги ҳолатини аниқлаш;

Самарқанд шаҳрининг маъмурий-худудий тузилишидаги ўзгаришларни ва аҳоли динамикасини ёритиш;

мустақиллик йилларида шаҳар инфратузилмасининг ривожланиш жараёнлари ва муаммоларини очиб бериш;

Самарқандда замонавий шаҳар қурилиши, унинг тарихий қисмини сақлаш масалаларини ёритиш;

шаҳар экологияси, туризмни ривожлантириш ҳамда логистика ва коммуникация масалаларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1991–2017 йилларда Самарқандда замонавий шаҳар маданияти тарихи ва ривожланиш хусусиятлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шаҳар инфратузилмаси, маъмурий-худудий тузилиши, аҳоли динамикаси, иқтисоди, амалга оширилган архитектура ва қурилиш ишлари, ижтимоий-маданий муассасалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, қиёсий, статистик ва динамик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жуда қадимдан минтақадаги муҳим иқтисодий, маъмурий, савдо ва ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлиб келган Самарқанд шаҳри

мустақиллик йилларида тарихий шаҳар сифатида халқаро туризм объектларидан бирига айланганлиги, агломерация, ички миграция ва демографик жараёнлар таъсирида республикадаги урбанизация ўчоқларидан бири бўлиб қолганлиги кўрсатиб берилди;

Самарқандда саноат инфратузилмаларининг кенгайиши, кўп тармоқли ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши унинг иқтисодий салоҳиятини кучайтириб, шаҳар бюджетининг ўсишига хизмат қилаётганлиги очиб берилди;

Самарқанд шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ишларида «эски» ва «янги» қисмлар уйғунлигига етарлича эътибор берилмаганлиги, шаҳарнинг қадимий қисмида туризм, хизмат кўрсатиш ва транспорт тизимларини замон талаблари асосида ташкил этиш, тарихий анъаналардан унумли фойдаланиш зарурлиги асослаб берилди;

шаҳарда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тарихий анъана ва миллий қадриятларни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилаётган симпозиум, конференция ва фестиваллар ҳамда маданий тадбирлар унинг нафақат республикадаги, балки минтақа ва жаҳон миқёсидаги маданий марказ мақомига кўтараётганлиги асослаб берилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданиятига оид монографиялар яратишда, шаҳарсозлик ва урбанизация, архитектура мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар учун махсус курслар ишлаб чиқишда, Самарқанд шаҳар бошқаруви идора ва ташкилотлари учун амалий тавсиялар тайёрлашда тадқиқот натижалари муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллариининг тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, Самарқандда шаҳар маданияти раўнақига оид норматив ҳужжатлар ҳамда ҳокимиятнинг жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, шу асосда тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан Самарқандда шаҳар маданиятининг қадимдан то бугунги кунгача бўлган тарихига оид илмий изланишлар олиб боришда муҳим тадқиқот манбаи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, келтирилган материаллар ва хулосалар Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йиллари тарихи бўйича илмий ишлар яратишда, Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув муассасаларининг ижтимоий-гуманитар йўналишларида замонавий шаҳарлар тарихи бўйича махсус курслар ташкил этиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари (1991-2017 йй.) мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг тарихий-маданий меросига ҳамда музей фаолиятига оид статистик маълумотлар, қиёсий таҳлил қилинган хулоса ва таклифлар Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг илмий ахборот ва тадқиқот бўлимидаги меъморий ёдгорликлар ҳамда музейлар ҳақида экскурсия матнларини тайёрлашда, шунингдек, берилган янги фото расмлар музей-қўриқхона фондидаги «Самарқанд кеча ва бугун» экспозициясини шакллантиришда қўлланилган (Маданият вазирлигининг 2018 йил 23 июлдаги 01-11-08-5090 сонли маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши музей ходимлари ва экскурсоводлар учун шаҳар меъморий обидалари ва музейлари ҳақида янги маълумотлар олишга имкон яратган.

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрида туризм инфратузилмаси ҳолатини аниқлаш ва уни холисона ёритиш, туризмни ривожлантиришга оид маълумотлардан Ф1-ФА-0-11986 рақамли «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)» номли фундаментал лойиҳа доирасида тайёрланиб, чоп этилган «Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти» номли коллектив монографиянинг «Тарихий шаҳарларда туризм» қисмини ёзишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 14 августдаги 3/1255-2166 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Самарқанд шаҳрида замонавий туризм инфратузилмасининг ривожланишига оид илмий хулосаларни тадбиқ қилишда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика, 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация юзасидан жами 18 та иш эълон қилинган. Жумладан, тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 8 та илмий мақола, 8 та тезис, ҳаммуаллифликда 1 та монография ва 1 та рисолада ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган

ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Самарқанд шаҳри ривожланиш тарихининг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган биринчи боби Самарқандда шаҳар маданияти тараққиёти эволюциясига бағишланган. Биринчи ва иккинчи параграфларда *Самарқандда шаҳар маданияти шаклланишининг* тарихий босқичлари қисқача баён этилган ҳамда илмий таҳлил қилинган.

Самарқанднинг қадимги цивилизациясида Зарафшон дарёсининг роли ва аҳамияти бекиёсдир<sup>10</sup>. Зарафшон водийсида одамзод илк Мустье давридан бошлаб яшаганлиги ва ўз даврига нисбатан юксак маданият барпо этганлиги тарихчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан исботлаб берилган. Аҳамонийлар истилосига қадар Самарқандда илк шаҳар, аниқроғи шаҳар манзилгоҳининг шаклланганлиги Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга асос бўлган эди. Самарқанд шаҳри тарихида энг қадимий шаҳарсозлик намунаси Афросиёб шаҳар қалъаси ҳисобланади<sup>11</sup>. У ўз даври шаҳарсозлигининг етук намунаси сифатида бутун дунёга машҳур эди. Афросиёбда ривожланган шаҳар ҳаёти VII асрда Араб халифалиги томонидан қилинган босқинчилик натижасида вайрон этилади. VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳар аста-секин қайта тиклана борди. Ибодатхоналар ўрнида масжидлар, мадрасалар қурила бошланди. Шаҳар XII асрда Қорахонийлар давлатининг, XIII асрнинг биринчи чорагигача Хоразмшоҳлар давлатининг йирик марказларидан бири бўлган. 1220 йилда Самарқанд Чингизхон кўшинлари томонидан босиб олиниб, талон-тарож қилинди ва буткул вайрон этилди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврига келиб, Самарқандда шаҳар маданияти гуркираб ривожланди. Бу даврда Мовароуннаҳрда шаҳарларни обод этиш, кўркам бинолар, шаҳар атрофида боғлар, саройлар, масжидлар, мадрасалар қурилиши каби ишларга катта эътибор берилиб<sup>12</sup>, бошқа ўлкалардан хунармандлар, усталар, меъморлар, бинокорлар олиб келинди. Сўнгги ўрта асрларда Самарқанд шаҳри 4 қисмга – Қаландархона, Сўзангарон, Хайрабат ва Хўжа Аҳрор қисмларига бўлинган. Шаҳар баланд лой девор билан ўралган ва жами 96 та гузарларга бўлинган<sup>13</sup>. Шаҳарнинг иқтисодий-сиёсий маркази Регистон майдони ҳисобланиб, унинг атрофида бозорлар ва кўнгил очар намоишлар бўлиб турган.

1868 йилда Самарқанд Россия империяси томонидан босиб олинади<sup>14</sup>. 1886 йил 12 июнда Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилди. Самарқанд шаҳри Самарқанд уездининг маркази сифатида белгиланди<sup>15</sup>. Бу

<sup>10</sup> Сагдуллаев А.С. Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни // Самарқанд в системе древней урбанизации (Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари). – Т., 2007. – С.17.

<sup>11</sup> <https://meros.uz/uzc/wonder/view?id=67>

<sup>12</sup> Якубовский А.Ю. Самарқанд при Темуре и темуридах. – Ленинград, 1933. – С. 43.

<sup>13</sup> Абрамов М.М. Гузары Самарқанда – Т., 1989. – С. 6-7.

<sup>14</sup> Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: «Шарқ», 2001. – Б.148-149.

<sup>15</sup> Самарқанд вилоят давлат архиви. 1685-фонд, 1685-жамғарма, 1-рўйхат, 33-йиғма жилд,

даврдда Самарқанд шаҳри сунъий равишда 2 га –«эски» ва «янги» қисмга бўлиниб қолди. 1891 йилга оид маълумотларга кўра, эски шаҳар ҳудуди 364 десятина 2100 кв.саженни (398,6 га) ва янги шаҳар 229 десятина 400 кв.саженни<sup>16</sup> (250 га) эгаллаган. 1926 йилда эса, янги шаҳар қисми 1914 десятина 1395 кв. сажен (2091 га), эски шаҳар қисми 1676 десятина 1966 кв.сажендан (1832 га) иборат бўлган<sup>17</sup>. 1924 йилда Самарқанд уездида 23 та бозор, 8 та савдо майдонлари ва 546 та савдо иншоотлари – дўконлар, киоскалар ва магазинлар мавжуд бўлган<sup>18</sup>. 1925 йилда Самарқанд шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти этиб белгиланди. Самарқанд республиканинг маъмурий марказига айлангач, шаҳарда кўплаб маъмурий бинолар қурилди. Республиканинг бошқа вилоят ва туманларидан бир қатор ташкилотлар кўчириб келинди<sup>19</sup>. Шаҳарда кўплаб илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, театр, клуб ва музейлар барпо этилди. 1925-1930 йилларида Самарқандда шаҳар инфратузилмаси 1870-1924 йилларга нисбатан анча тез тараққий этди. Аммо бу кўпроқ янги қисмда кузатилиб, эски шаҳар ривожланишдан орқада эди. 1966-1969 йилларда Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи арафасида шаҳарда кўплаб маъмурий ҳамда ижтимоий-маданий бинолар, меҳмонхоналар қурилди<sup>20</sup>. Шаҳар кўчаларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ана шундай қурилиш ишларининг олиб борилиши натижасида шаҳарнинг тарихий қисмига шикаст етказилди.

Биринчи бобнинг *учинчи параграфи «Самарқанднинг замонавий маъмурий-ҳудудий тузилиши ва аҳолиси»* деб номланади. Мустақиллик йилларида шаҳарнинг умумий майдони 0,12 минг кв.км.дан иборат бўлиб, бу вилоят умумий ер майдонининг 0,7 %ни ташкил қилади. Шаҳарда 208 та МФЙ<sup>21</sup> мавжуд. Шаҳар аҳолиси 1989 йилда 367 031 киши бўлган бўлса, 2017 йил 1 январ ҳолатига кўра, 523 818 кишига етган. Аҳолининг туғилиши, табиий ўсиши ҳамда механик ҳаракати, яъни миграция жараёнлари бевосита аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб боришига таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, 2009 йилда шаҳар атрофидаги айрим туман қишлоқ жойларининг Самарқанд шаҳар ҳудудига киритилиши ҳисобига ҳам шаҳар ҳудуди ва аҳолиси сони кўпайган. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлар натижасида шаҳар аҳолисининг маълум қисми узоқ муддатдан бери хорижда яшаб келаётганлиги аниқланди. Хусусан, «Гўри Амир» маҳалласининг жами 2 685 аҳолисидан 300 киши<sup>22</sup>, «Панжоб» маҳалласидаги 2 662 кишидан 389 таси<sup>23</sup> АҚШ, Россия, Япония, Туркия ва бошқа хориж давлатларида истиқомат қилмоқда. Аммо, уларнинг аксарияти расмий равишда Самарқанд шаҳар аҳолиси рўйхатида туради.

<sup>16</sup>Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Т., 2013. – Б.111.

<sup>17</sup>Самарқанд вилоят давлат архиви.1685-жамғарма, 1-рўйхат, 257-йиғма жилд, 147-варақ.

<sup>18</sup>Самарқанд вилоят давлат архиви.1685-жамғарма, 1-рўйхат, 613-йиғма жилд, 18-варақ.

<sup>19</sup>Самарқанд вилоят давлат архиви. 1685-жамғарма, 1-рўйхат, 299-йиғма жилд, 3-варақ.

<sup>20</sup> Устилинко И. Новая красота «вечного города» // Правда Востока. 1970 йил 22 октябр. № 247.

<sup>21</sup> Маҳалла Фуқаролари йиғини берган маълумот асосида қайд этилди.

<sup>22</sup> Маҳалла раиси Б. Насимов берган маълумотлар.

<sup>23</sup> Маҳалла раиси А. Богиров берган маълумотлар.

Шаҳар тараққиётида агломерация жараёнлари ўзига хос ўрин эгаллайди. 1990-йилларга қадар шаҳар агломерациялари вужудга келишининг негизини саноат ишлаб чиқариши ташкил этиб, асосий мақсад иқтисодий самара олишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларга бўлган муносабат ўзгача тус олди. Турли соҳалардаги эркин рақобат, ер ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, кичик шаҳар ва шаҳарчаларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, ягона меҳнат бозорини ташкил этиш каби муаммоларни изчил ҳал қилиш шаҳар агломерацияларига янги қарашни талаб этади. Самарқанд шаҳар агломерацияси республикада ҳам сезиларли ўринга эга. Самарқанд шаҳар агломерацияси Самарқанд шаҳридан 40-45 км. радиус ҳудудни ўз ичига олади ва унинг ҳудудига вилоятга бўйсунувчи 9 та – Окдарё, Булунғур, Пастдарғом, Жомбой, Пайарик, Челак, Самарқанд, Ургут ва Тайлоқ шаҳарлари киради. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳар агломерацияси таркибига Жума, Лойиш шаҳарлари ҳамда Кимёгарлар, Чархин, Даҳбед, Сўлим (Хишрав) ва Фарҳод шаҳар типидagi посёлкалари ҳам киради<sup>24</sup>. Бугунги кунда Самарқандда замонавий шаҳар маданияти ривожда Самарқанд агломерацияси ўзига хос ўрин тутди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Шаҳар тараққиётини таъминлашда иқтисодий, ижтимоий инфратузилмалар ва коммуникация тизимининг ўрни**» деб номланади. Бу бобда иқтисодий инфратузилмаларнинг шаклланиш масалалари, ижтимоий-маданий муассасалар тизими, шаҳарда муҳандислик, коммуникация-логистика тизими ва транспорт хизмати масалалари илмий асосда ёритилиб, таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи *янги иқтисодий инфратузилмаларнинг шаклланиши ва шаҳар иқтисодиётининг ривожланиши* масалаларига бағишланган. Мустақиллик йилларида Самарқандда саноатнинг турли соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратилиб, шаҳар кўп тармоқли ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланди. Хусусан, шаҳарда энгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебель, пойабзал, чинни ишлаб чиқариш соҳалари фаолият кўрсатди. Мустақиллик йилларида шаҳарда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми тобора ўсиб борди. Чунинчи, 1994 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1341,7 миллион, 2004 йилда 123244,8 миллион сўмни ташкил этган бўлса<sup>25</sup>, 2014 йилда 2254,5 млрд. сўмни ва 2016 йилда 3111,2 млрд. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръати 14,5% - 16,0% га ошганини кўрсатади<sup>26</sup>.

Шаҳарда республикада биринчилардан бўлиб юк ташиш автомашиналари ва автобус каби транспорт воситалари, шунингдек, тамаки маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари, шиша идишлари, уй-рўзғор электр мосламалари, электрон соат, кальцит, атир совуни, чой қадоклаш, янги турдаги гилам ва паласлар, замонавий мебеллар каби маиший хўжалик

<sup>24</sup> Самарқандская агломерация // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Самарқандская\\_агломерация](https://ru.wikipedia.org/wiki/Самарқандская_агломерация)

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси. Показатели социально-экономического развития города Самарқанда. – Т., 2014.

<sup>26</sup> Самарқанд шаҳар ҳокимлиги. Самарқанд шаҳри иқтисодий кўрсаткичлари // [www.samshahar.uz](http://www.samshahar.uz)

моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Самарқанд шаҳрининг 2005 йилдаги экспорт ҳажми 14932,1 минг АҚШ доллари бўлган бўлса, 2013 йилга келиб, 74658,5 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу даврда шаҳарнинг экспорт салоҳияти 5 мартага ошди. Шаҳар иқтисодиётида импорт ҳажми 2005 йилда 58283,3 минг АҚШ долларини, 2013 йилга келиб 322602,2 минг АҚШ долларини ташкил этган ёки 5,5 мартага ўсган<sup>27</sup>.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 18-19 март кунлари ҳамда 2019 йил 11 январда Самарқанд вилоятига қилган ташрифи чоғида иқтисодий соҳада қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида муҳим топшириқ ва кўрсатмалар қайд этилди.

Иккинчи параграфда *ижтимоий-маданий ва маиший муассасалар тизимининг кенгайишига* оид маълумотлар таҳлил қилинган. Мустақиллик йилларида бу соҳада шаҳарда кўплаб ишлар амалга оширилди. Шаҳарда мавжуд спорт иншоотлари, таълим масканлари ва мактабгача таълим муассасаларидаги муаммо ва камчиликлар ўрганилди. Таълим тизими замонавий ўқув асбоб-ускуналари ва компьютер технологиялари билан жиҳозланди. Шу билан бирга, айрим умумтаълим мактабларида баъзи бир муаммолар ҳам учрайди. Хусусан, кўп мактабларда русийзабон педагоглар сонининг камлиги, санитария хизматлари учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаслиги таълим соҳасидаги қийинчиликларга сабаб бўлди. 1994 йилда Самарқанд шаҳрида умумтаълим мактаблари сони 69 та, 2009 йилда 71 тани ташкил қилган бўлса<sup>28</sup>, 2017 йилга келиб 84 тага етди<sup>29</sup>. 1991-2017 йиллар оралиғида шаҳарда 53,76, 13, 58, 39, 73, 65, 32, 1 ИДУМ<sup>30</sup>, мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилган. 2009 йилдан шаҳар ҳудудининг кенгайиши, айрим туман қишлоқларнинг шаҳар территориясига киритилиши ҳисобига умумтаълим мактаблари сони янада ортган эди.

Шаҳарда мактабгача таълим муассасалари сони 1994 йилда 141 та бўлса, 2009 йилга келиб 106 тани, 2017 йилда 108 тани ташкил этган. МТМ сонининг камайиши айрим МТМнинг моддий техника базасининг эскирганлиги ва хизмат кўрсатишга яроқсиз бўлганлиги сабабли уларнинг фаолияти тўхтатилиши билан изоҳланади. 2017 йилда шаҳарга мавжуд МТМнинг 22 таси реконструкцияга, 58 таси мукамал таъмирга муҳтож эди.

2017 йилда Самарқанд шаҳрида жами 7 та олий таълим муассасалари мавжуд эди. 2018 йилда Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Ипак йўли» халқаро университети ташкил этилди. Самарқандда бир қанча илмий марказлар фаолият юритмоқда. Хусусан, Яхё Фуломов номидаги археология илмий тадқиқот институти, Паразитология

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси. Показатели социально-экономического развития города Самарканда. – Т., 2014.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика бошқармаси. Показатели социально-экономического развития города Самарканда. – Т., 2014.

<sup>29</sup>Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси. Самарқанд шаҳар паспорти маълумотлари. – Самарқанд, 2017. – Б.15.

<sup>30</sup> Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби

илмий текшириш институти, Самарқанд давлат сув хўжалиги мелиорация лойиҳалаш институти фаолият юритади<sup>31</sup>.

Самарқандда 4 та йирик оммавий кутубхона, 3 та театр, 2 та кинотеатр, 2 та телестудия фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, аҳолининг мазмунли дам олиши учун қатор муассасалар барпо этилди. Шаҳар ҳудудида 3 та маданият ва истироҳат дам олиш боғлари, 65 та кутубхона, 6473 нусха фондга эга Ахборот ресурс-маркази фаолият юритмоқда<sup>32</sup>.

Шаҳардаги Чўпонота тепалиги ёнида «Зарафшон» дам олиш уйи, «Марказий» ва «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғлари, болалар «Афсона» аквапарки, кўплаб теннис кортлари, «Дельфин», «Афросиёб» сузиш мажмуалари барпо этилди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида 24 та 2650 ўринли болалар спорти объектлари, 7 та стадион, 125 та спорт заллари, 253 та спорт майдончалари, 6 та очик ва ёпиқ сув ҳавзалари<sup>33</sup>, 15 та 1100 ўринли мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Аммо, мавжуд иншоотлар аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олиш қувватига эга бўлмади. 2019 йил 11 январда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташрифида бу каби масалалар кўриб чиқилди ва етарлича кўрсатмалар берилди.

Самарқанд шаҳар ҳокимиятининг расмий манбаларида кўрсатилишича, шаҳарда 2002 йилда 44 та врачлик амбулатория – поликлиника муассасалари ишлаган. 2006 йилда эса 35 та шифохона ҳамда 76 та врачлик амбулатория – поликлиника муассасалари фаолият юритаётганлиги қайд этилган<sup>34</sup>. Шаҳарда давлат тиббиёт муассасалари билан бир қаторда хусусий шифохона ва клиникалар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, «Bionur», «Zarmed», «Innova», «Xurshida Nasimova», «Shifo Nur», «Firma Doctor» ва бошқа шу каби хусусий шифохона ва клиникалар беморларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

*Учинчи параграфда коммуникация, логистика, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга* оид масалалар тадқиқ этилган. Замонавий шаҳар маданияти тараққиётида комуникация, логистика, транспорт ва муҳандислик инфратузилмалари хизматлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ривожланиб бораётган давлатлар шаҳарсозлигида бунда катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳанинг ривожланиши энг аввало, шаҳар аҳолисининг турмуш тарзида қатор қулайликлар ва имкониятларни яратади.

«Самарқанд» халқаро аэропорти «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси таркибида етакчи аэропорт сифатида ўз ўрнига эга. «Самарқанд» халқаро аэропорти қадимий Самарқанд шаҳрининг дарвозаси ҳисобланади. «Самарқанд» халқаро аэропорти динамик ривожланаётган корхона бўлиб, у йилига 300 000 дан ортиқ йўловчига хизмат қилади. Самарқанд халқаро аэропортида энг замонавий ва қулай Боинг-747, 757, 767, 777, А310, 319, 320, Ил-76, 114 самолётларининг мунтазам учишлари

<sup>31</sup> Курахмедов А., Сидикова М. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри: бунёдкорлик ва тараққиёт. – Самарқанд, 2016. – Б.52-53.

<sup>32</sup> Самарқанд шаҳар ҳокимлиги. Самарқанд шаҳри ҳақида маълумотлар. – Самарқанд, 2016. – Б.8.

<sup>33</sup> Маданият ва спорт муассасалари // [www.samshahar.uz/uz/node/398](http://www.samshahar.uz/uz/node/398)

<sup>34</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси. Статистик тўплам. 1997-2006. – Самарқанд, 2007. – Б.77.

таъминланмоқда. Шунингдек, Самарқанд халқаро аэропортида Киев, Москва, Санкт-Петербург, Калининград, Симферополь, Қозон, Екатеринбург ва Тошкент йўналишларидаги рейслар мавжуд<sup>35</sup>. Бундан ташқари, 2018 йилдан бошлаб «Самарқанд» аэропортида Самарқанд-Истамбул-Самарқанд, Душанбе-Самарқанд-Душанбе йўналиши бўйича парвозлар йўлга қўйилди. Самарқанд шаҳрини эркин туристик худудга айлантириш мақсадида «Самарқанд» халқаро аэропортида яқин йилларда дунёнинг бошқа шаҳарлари билан ҳаво қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Самарқанд шаҳар логистика хизматида темир йўл вокзали хизмати ҳам алоҳида ўринга эга. Самарқанд темир йўл вокзалидан маҳаллий ва хориж йўналишларида поездлар ҳаракатланади. Мустақиллик йилларида Тошкент-Самарқанд оралиғида 160 км/с. юқори тезлик кучига эга «Регистон» поезда қатнови йўлга қўйилди. 2003 йил 30 декабрдан йўловчилар ташувчи Тошкент-Самарқанд электр поезда, 2011 йилда юқори тезликда «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишида ҳаракатланувчи «Талго» йўловчи поезда фаолияти йўлга қўйилди. 2017 йилдан бошлаб республика Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида трамвай линиялари қурила бошланди ва ишга туширилди<sup>36</sup>. 2017-2018 йиллар давомида 2 та йўналишда 12 та трамвай аҳолига транспорт хизматларини кўрсатди. Яна 2 та йўналишнинг линияларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

1995-2004 йилларида шаҳарда транспорт хизмати хусусий ва давлат транспортлари томонидан амалга оширилган. 2005 йилдан Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги турдаги автобус қатнови йўлга қўйилган. Бироқ, шаҳарда жамоат транспорти хизмати талаб даражасида бўлмади. Мавжуд автобусларнинг сифими, санитар ҳолати ва оралиқ қатнови қониқарсиз ҳолда эканлиги аниқланди. 2017 йилга оид маълумотларда Самарқанд шаҳрида 60 та автобус йўналишларида 523 та автобуслар ва 2 та такси йўналишларида 34 та микроавтобуслар ҳамда 1740 та йўналишсиз таксилар аҳолига хизмат кўрсатаётганлиги қайд этилган. Самарқанд шаҳрида жами 4 та, яъни «Сиёб», «Шоҳи-Зинда», «Самарқанд» ва «Ҳазора» автостанциялари фаолият кўрсатмоқда<sup>37</sup>. Айтиш лозимки, шаҳарда транспорт хизматининг замон талаблари даражасида амалга оширилиши Самарқанднинг иқтисодий-туристик минтақа сифатидаги мавқеининг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Географик жиҳатдан Самарқанднинг нотекис жойлашганлиги шаҳарда ичимлик суви таъминоти тармоқларини барпо этишда доимо қийинчиликларни юзага келтирган. Тарихий маълумотларда Россия империяси ҳукмронлиги ва совет даврида ҳам шаҳар аҳолисининг ичимлик суви таъминотида узилишлар ва техник носозликлар мунтазам равишда

<sup>35</sup> Международный аэропорт «Самарканд» // <https://corp.uzairways.com/ru/flights/mezhdunarodnyy-aeroport-samarkand>

<sup>36</sup> 2009 йилнинг июлида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Talgo» (Испания)компанияси ўртасида темир йўл соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди.

<sup>37</sup> Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси берган маълумотлар асосида. – Самарқанд, 2018.

бўлиб турганлиги маълум қилинади. Мустақиллик йилларида шаҳарда муҳандислик соҳасида кўплаб ишлар олиб борилган бўлса-да, бу соҳадаги муаммо ва камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, ичимлик суви, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти ва оқова сувлари тизими аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмади.

Шаҳарда «Чўпон ота», «Дагбит», «Чархин», «Шишрав», «Боғибаланд», «Фарҳод» каби 10 та ичимлик суви иншоотлари мавжуд бўлиб, шундан 2 таси йирик, 4 таси гуруҳли, 4 таси локал сув иншоотлари ҳисобланади<sup>38</sup>. Самарқанд шаҳар ичимлик суви таъминоти тизимининг самарасини, хавфсизлиги ҳамда сифатини ошириш, шу билан бирга сув таъминоти корхоналарининг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш мақсадида 2003-2010 йилларда Самарқанд шаҳри бўйича умумий қиймати 54,53 млн. АҚШ доллариға тенг халқаро лойиҳа ишлари амалга оширилди. Ушбу лойиҳа асосида «Чўпон ота» сув иншоотидан Самарқанд шаҳригача диаметри 1000 мм., узунлиги 15,4 километр бўлган юқори босимли ичимлик суви тармоғи, «Дагбит» сув иншоотидан Самарқанд шаҳригача диаметри 1000 мм., узунлиги 16,41 километр бўлган юқори босимли ичимлик суви тармоғи қуриб, фойдаланишга топширилди<sup>39</sup>. Шу билан бирга, шаҳар сув таъминотидаги айрим муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш эҳтиёжи мавжуд. Чунончи, сув иншоотларнинг 2 та гуруҳли, 2 та йирик ва 2 та локал сув иншоотларини реконструкция қилиш, сув иншоотларидаги 122 та скважиналарнинг<sup>40</sup> 36 таси, 47 та вертикал насосларнинг 20 таси, 788,44 километр сув тармоқларининг 222 километрида таъмирлаш ишларини олиб бориш талаб қилинади. Бундан ташқари, ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан сунъий қудуқлар (артезианлар) ўрнатилишининг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилотлар назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд шаҳрида 3 та – ЗОС<sup>41</sup>, Фарҳод<sup>42</sup> ва Геофизика<sup>43</sup> оқова сувларни тозалаш иншоотлари ва 5 та – СП-1, СП-2, СП-3, СП-Супер, СП-56 мактаб оқова сувлари кўтариб бериш насос станциялари мавжуд<sup>44</sup>. Сўнгги йилларда шаҳар ҳудудининг кенгайиб бориши ҳамда аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида мавжуд иншоот ва насос станциялар шаҳар аҳолисининг оқова сувларини тозалаш иншоотларига бўлган талабини тўла қондира олмайдди.

Самарқанд шаҳрида 1959 йилдан бошлаб аҳоли табиий газ билан таъминланиб келинмоқда. Самарқанд шаҳар аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши «Самарқанд-1», «Тайлоқ-1» ҳамда «Шимолий» газ тақсимлаш

<sup>38</sup> Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмати бошқармаси. Самарқанд вилоятининг ичимлик суви ва оқова таъминоти тўғрисидаги маълумотлар асосида.

<sup>39</sup> Самарқанд вилоят «Сувокова» ДУК Самарқанд шаҳар филиалининг Самарқанд шаҳар ичимлик суви таъминоти тўғрисида берган маълумотлари асосида. – Самарқанд, 2016.

<sup>40</sup> Скважина-кудук.

<sup>41</sup> 1964 йилда қурилган, ер майдони – 36 га.

<sup>42</sup> 1983 йилда қурилган, ер майдони – 3 га.

<sup>43</sup> 1965 йилда қурилган, ер майдони – 1,1 га.

<sup>44</sup> Самарқанд вилоят «Сувокова» ДУК маълумотлари асосида.

станциялари орқали амалга оширилади. Мустақиллик йилларида шаҳар аҳолисининг газ таъминотига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилди. Самарқанд шаҳрида 1997 йилда ишга туширилган газ тармоқлари узунлиги 10,7 километрни, 2006 йилда эса 12,5 километрни ташкил этган<sup>45</sup>.

Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларига кўра, 2014 йилда шаҳрида аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 99,5% ни ташкил этган<sup>46</sup>. Бироқ, статистик ҳужжатларда берилган бундай маълумотларга зид равишда, айрим ҳудудларда шаҳар аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси паст эканлиги, хонадонлар ва айрим давлат муассасаларидаги газ таъминоти қониқарсиз аҳволда эканлигини ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжудлигини<sup>47</sup> айтиб ўтиш лозим.

Диссертациянинг **«Шаҳарнинг тарихий мероси ва замонавий қиёфаси уйғунлигини таъминлаш масалалари»** деб номланган учинчи бобида Самарқандда тарихий обидаларнинг таъмирланиши, замонавий шаҳар қурилиши, шаҳар бош режасини шакллантириш борасидаги тадбирлар, шаҳар экологияси, туризм хизмати ва инфратузилмаси масалалари ёритилган ҳамда илмий асосда таҳлил қилинган.

*Биринчи параграф тарихий обидаларнинг таъмирланиши ҳамда музейлар фаолиятини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган.* Самарқандда жами мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд. Шаҳарда 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган бўлиб, улар Самарқанд вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан назорат қилинади<sup>48</sup>. Таъкидлаш жоизки, Самарқандда тарихий объектлар жойлашган ҳудуд 1100 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Шаҳарда Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси тасарруфида Ўзбекистон Маданияти тарихи Давлат музейи, Афросиёб, Ўлкашунослик, Улуғбек музей-мажмуаси, С.Айний уй-музейи, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Ал-Мотрудий мажмуаси, Нодир Девонбеги, Амир Темур мақбаралари, Ҳазрати Хизр ва Бибиҳоним масжидлари мавжуд. 2015 йилга тегишли маълумотларга кўра, музей-қўриқхона фондида 210 000дан зиёд экспонат мавжуд бўлган. Бироқ, Самарқанд давлат музей қўриқхонаси таркибидаги Ўзбекистон Маданияти тарихи Давлат музейи шаҳарнинг замонавий қисмида жойлашган, бу эса мазкур ҳудудга сайёҳлар оқимининг етарли даражада бўлмаслигига олиб келади. Шунингдек, музей биноси ва экспонатларнинг намойиши қониқарли даражада ташкил этилмаган. Музейни тарихий обидалар жойлашган ҳудудда жойлаштириш, бу билан сайёҳларни тарихий обидалар билан биргаликда шаҳар тарихи билан яқиндан таништиришни таъминлаш мақсадида музейларни спецификалаш борасида

<sup>45</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси. Статистик тўплам. 1997-2006. – Самарқанд, 2007. – Б.186.

<sup>46</sup> Самарқанд вилояти «Марказийгазтаъминоти» ташкилотининг «Самарқандшаҳаргаз» филиали берган маълумотлар асосида.

<sup>47</sup> Тадқиқотчининг шахсий кузатувлари ва шаҳар аҳолиси билан суҳбатлари асосида олинган маълумотлар.

<sup>48</sup> Курахмедов А., Сидикова М. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри: таракқиёт ва бунёдкорлик. – Самарқанд, 2016. – Б.11.

фикр юритиш мақсадга мувофиқдир<sup>49</sup>. Самарқанднинг туризм минтақаси сифатидаги аҳамиятини оширишда бу каби масалалар ечими муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий обидаларни муҳофаза этиш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида 2001 йилда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун<sup>50</sup>, 2002 йил 29 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №269-сонли қарори қабул қилинди<sup>51</sup>. Қарорга кўра, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича вилоятларда, шу жумладан Самарқанд вилоятида ҳам идоралараро комиссия тузилиб, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

